7 896

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоят қишлоқлари инфраструктурасини ривожлантириш, электр иншоотлари қуриш ва электр токи билан таъминлашда "Ўзэлектромонтаж" бирлашмасига қарашли иккинчи механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари изланувчан раҳбар Холмамат Бердиёров

ҲИССАДОРЛАРГА НАҚД ДАРОМАД

бошчилигида зиммаларидаги вазифани уддаламоқдалар. Корхонанинг молиявий кўрсаткичи жорий йилда 13 фоизга кўпайтирилди. Ҳар бир ишчи-хизматчи даромади 40 фоизга ошди. Корхона ўз ҳиссадорларига 30 фоиздан дивиденд бермоқда.

Салим АШУРОВ.

САМАРҚАНД. *Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг газетаси — "Зарафшон" газетаси шанба кунлари янги шакл ва мазмунда муштарийлар қўлига тегмоқда. Газета шакл-шамойилининг ўзгариши, си-*

"ЗАРАФШОН" ҚИЁФАСИ ЎЗГАРДИ

фатли ва бежирим қилиб безатилишида замонавий компьютерлар асқотмоқда. Ҳозиржавоблик ва тезкорлик билан ёритилган материаллар муштарийлар эътиборини тортмоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

НУКУС. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университетида халқаро илмий конференция ўтказилди. "Комплекс таҳлил қилишнинг айрим масалалари" деб аталган бу йиғилишда функция назарияси ва унинг қўшимчалари муҳокама

МУФАССАЛ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ

қилинди. Университет ректори Қ. Ўтениёзов, Урганч Давлат университети ректори А. Саъдуллаев, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида комплекс таҳлил қилишни яна ривожлантириш масалалари ҳақида сўзладилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

НАМАНГАН. *Бу ерга Ўзбекистон ёшлари "Камолот" жамғармаси Фарғона водийси ташкилотларининг раҳбарлари йиғилдилар. Улар иштирокида мазкур жамғарма тўғрисидаги фармонни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан иш фаолияти йў-*

ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЎНДАЙДИ

налишларини белгилашга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Қатнашчилар истиқлол ғояларини ҳаётга татбиқ этиб, ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, соғлом авлод масалалари бўйича тавсиялар олдилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1996 йил 25 июль, пайшанба № 94 (22.015). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:
иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 550 сўм;
меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 1125 сўм:
фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 600 сўм;
Ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряднинг энг оз миқдори — ойига 600 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1996 йилнинг 1 сентябридан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

3. 1996 йил 1 сентябрдан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:
— болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 1125 сўм;
— зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 680 сўм.

4. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилувчи оналарга, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 23 июлдаги 262-сон қарори билан ягона тариф сеткасининг янги тариф коэффициентлари жорий этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларига асосланиб ҳамда 1996 йил 1 сентябрдан жорий этиладиган янги тариф коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимлари мансаб маошларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини ҳамда боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қиладиган ишловчи оналарга нафақаларни ошириш билан боғлиқ харажатларнинг 80 фоизи республика давлат бюджети ҳисобидан ва 20 фоизи бюджет муассасалари ва ташкилотларининг сметалар бўйича умумий харажатларини камайтириш, жумладан ишловчилар сонини қисқартириш ҳисобидан;
— олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларнинг нафақаларини, боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилувчи ишламайдиган оналарнинг нафақаларини, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни ошириш билан боғлиқ харажатлар тўлиқ республика давлат бюджети ҳисобидан;
— болалигидан ногиронлар учун, шунингдек зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун барча турдаги пенсиялар ва нафақаларни ошириш билан боғлиқ харажатлар ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан қоплансин.

8. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар:
— энг оз иш ҳақини мазкур Фармонда белгиланган миқдорда оширилишини таъминласинлар;
— ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатларини пасайтириш ҳисобидан иш ҳақини кўпайтирсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 18 мартдаги 1408-сон Фармони (8-банди бундан мустасно) ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 24 июль.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитларида иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини янада кучайтириш ва ишларнинг пировард натижалари учун масъулиятни ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб бошланғич разряднинг ойига 600 сўм миқдоридаги тариф ставкаси Ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 мартдаги 103-сон қарорига илова 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
23 июль, 1996 йил.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 23 июлдаги қарорига илова

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0	1.000	12	3.581
1	1.450	13	3.808
2	1.595	14	4.038
3	1.755	15	4.271
4	1.930	16	4.508
5	2.115	17	4.748
6	2.308	18	4.991
7	2.510	19	5.238
8	2.716	20	5.488
9	2.926	21	5.741
10	3.140	22	5.998
11	3.358		

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИДА

Ўзбекистон ХДПнинг марказий матбуот органлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ХДП дастурий ғояларини, мамлакатимиз раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатини тарғиб этишда муҳим омилдир.

Шу билан бирга, ХДП нашрлари жамиятимизда оммавий ахборот воситалари олдига қўйилаётган талабларга ҳали тўла-тўкис жавоб бера олмаётирлар. Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми буни ҳисобга олиб, партия марказий газеталарига раҳбарликни янада такомиллаштириш, партиянинг сиёсий йўлини ўтказишда ушбу рўзномалар таҳририятларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг бир-бирига ўзаро ҳамоҳанглигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларини муштараклаштириб, унинг ягона бош муҳаррири лавозимини таъсис этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири этиб, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаб келаётган А. А. Суюнов (Азим Суюн)ни тасдиқлади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАДА БАНК АУДИТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Банк тизимига ишончни мустаҳкамлаш, банкларни аудиторлик текширишлар сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги холисона таҳлил этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари уюшмасининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Ўзбекистон Республикаси банк тизимига кирувчи банклар аудитини ўтказиш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

банк аудитини ўтказиш хусусида мамлакатимиз ва чет эл аудиторлик фирмалари билан тузиладиган шартномалар бўйича буюртмачи сифатида чиқишга ҳақли;

республика ҳудудида иш юритувчи аудиторлик фирмалари ва аудиторларга банкларда аудиторлик текширишларини ўтказиш ҳуқуқи учун тегишли сертификатлар ҳамда малака сертификатларини беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидагилар тавсия этилсин:

банк аудитини амалга оширишга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаблари тўғрисидаги Низомни бир ҳафта муддатда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

банк аудитини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик фирмаларининг рўйхатини белгиланган тартибда мунтазам суратда матбуотда эълон қилиб туриш;

банк аудитини ўтказиш учун ўз маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаш.

3. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 24 июль.

Иқтисодиёт олами

ҲАМ ҒАЛЛА, ҲАМ УЗУМ

• НАВОИЙ. Навбаҳор туманидаги Жамбул номли жамоа хўжалиги асосан боғдорчиликка ихтисослашган. Хўжаликда ҳар йили минг тоннадан ортиқ сершира узум ва майиз етиштирилади. Бироқ хўжалик деҳқонлари ғалла ва пахта ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштириб олишган. 477 гектар майдонда бошоқли экинлар ўстирган ғаллакорлар 1200 тонналик дон хирмони уюшди. Шунинг 960 тоннаси давлатга сотилди. Эртанги узум узиш ва майиз қуритиш ишларини бошлаб юборган жамбулликлар 700 гектар майдонда ғўза ҳам ўстиришяпти.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДОН АЯГАН ДОНГА ЕТАР.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.

НОМЗОД ҚАРИЯЛАР УЙИНИ БОРИБ КЎРДИ

АҚШ Президентлигига номзод, собиқ сенатор Боб Доул Вашингтондаги қариялар марказини бориб кўрди. 73 ёшли сенатор агар сайловларда ғолиб чиқадиган бўлса, АҚШ юқори давлат лавозимини эгаллаган энг кекса фуқаро бўлиб қолади. Маълумки, собиқ Президент Рональд Рейган 69 ёшида Президентликка қасамёд қилганди. Билл Клинтон эса 19 август куни ўзининг 50 ёшлик юбилейини нишонлайди.

РАИС ЎРНИНИ ВАҚТИНЧА ЭГАЛЛАДИ

Жаҳон эстрадаси юлдузи Майкл Жексон Будапешт шаҳрига ташриф буюриб, Венгрия парламенти раиси ўрнини «вақтинча» эгаллади. Албатта, у бу ерда нутқ сўзлагани йўқ (парламент аъзолари ҳозир таътилда), фақат суратчилар олдида расмга тушиш учун шундай қилди, холос. Майкл Жексон Венгрияга бу ердаги пойтахт стадионини аввалдан кўриш учун келди. Чунки у мазкур стадионда шу йилнинг 10 сентябрида катта концерт бермоқчи.

АЙНИГАН ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШДИ

Японияниг Осако шаҳрида 84 ёшли аёл ўтган сешанба куни айниган овқат ейишдан заҳарланиб, вафот этди. Бу ердаги касалхонага 10 ёшли қизча ҳам ана шундай заҳарланиш туфайли ётқизилди. Япония тиббиётчилари айниган озиқ-овқатлардан заҳарланаётганларнинг кўпайиб бораётганини таъкидлашмоқда. Айни пайтда инфекциянинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАР ТАРАФДОРИ

Франция ташқи ишлар вазири Х. Шаретт Ливанга ташриф буюриб, Байрутда ўзининг ливанлик ҳамкасби Ф. Бвеиз билан музокаралар олиб борди. Музокараларда Яқин Шарқ масалаларини илгаригидай тинч йўл билан ҳал этиш лозимлиги таъкидланди.

АЭРОПОРТДА БОМБА ПОРТЛАДИ

Покистондаги йирик шаҳарлардан бири Лаҳорнинг халқаро аэропортидаги терминалда бомба портлади. Бунинг натижасида 9 киши ҳалок бўлди, 20 киши қаттиқ жароҳатланди. Полиция айбдорларни қидирмоқда. Айни пайтда касалхонага ётқизилган жароҳатланганларнинг 4 нафари оғир аҳволда эканлиги полиция томонидан маълум қилинди.

(Ассошиэйтед Пресс ва Юсиа Тудей ахборотлари асосида тайёрланди).

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РАМЗИ

ИЛГАРИ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, 19 ИЮЛЬ КУНИ АСАКА ШАҲРИДА «ЎЗДЭУАВТО» ЎЗБЕКИСТОН-КОРЕЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ХАЛҚАРО ТАНИШТИРИШ МАРОСИМИ БЎЛДИ. ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ РАВИШДА ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАН СЎНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РЕСПУБЛИКА ВА ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗДИ.

ҚУЙИДА УШБУ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ БАТАФСИЛ БАЁНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

Ислом КАРИМОВ:

— Ҳурматли журналистлар, дўстлар!

Икки ярим йил ичида, муболағасиз айта оламанки, жаҳондаги энг яхши намуналар билан бемалол тенглашадиган техника, нодир автоматлаштирилган линия ва жиҳозлар ўрнатилган замонавий завод барпо этилди. Бу заводда автомобилларнинг чиқарила бошлагани Ўзбекистоннинг имконият ва салоҳиятини яна бир бор тасдиқлабгина қолмайди. Бу — энг аввало, Ўзбекистон танлаб олган модел ва ислоҳотлар йўли тўғри экани, Ўзбекистоннинг собиқ советлар ҳудудини қамраб олган танглик вазиятидан аста-секин чиқиб олаётгани, иқтисодиётнинг тобора жонланиб бораётгани, барқарорлик ва ўсиш йўлидан изчиллик билан олға силжиётганидан дарак беради. Ҳозиргина, биз завод трекида янги машиналарда айланаётганимизда жаноб Ким Ток Ленг жуда муҳим бир фикрни айтди. Мен ҳозир бу фикрни сизларнинг олдингизда ҳам такрорламоқчиман. У бу заводнинг ишга туширилиши — Ўзбекистоннинг олдинги ҳолати, унинг олдинги даражаси билан ҳозирги куни ўртасидаги чегара бўлиб, Ўзбекистон индустриясини ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан бутунлай янги даражасига йўл очади, деди. Назаримда, жаноб Ким Ток Ленгнинг бу фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Бу жуда салмоқли, теран фикрдир. Ҳақиқатан ҳам бу чегара, Ўзбекистон саноати ва бутун индустрияси тараққиёти йўлидаги улкан бурилишдир.

Бу заводнинг ишга туширилиши биз учун сифат жиҳатидан мутлақо янги бўлган ишлаб чиқариш, инфраструктурани шакллантириш йўлидаги қадам бўлиб, иқтисодиётнинг бир мақсадгагина йўналтирилишидан замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш йўлида зарур бўлган тузилма янгиланишлари билан ҳам таъминлайди. Заводга керакли бутловчи маҳсулотларни етказиб бериш бўйича янги ва янги замонавий саноат шохобчалари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфраструктураси, талабга мос маркетинг, техник ва сервис хизматларининг яратилиши ва ҳозирнинг ўзидаёқ барпо этилаётгани тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Бошқача айтганда, автомобиль заводи ва унинг узлуксиз ишлаши бир-бирига боғлиқ саноат шохобчалари ва хизмат кўрсатиш тузилмасини юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида ҳам ялпи маҳсулот, ҳам даромад, ҳам аҳолининг иш билан таъминланиши, демакдир.

Яна бир гап. Мазкур заводнинг ишга туширилиши Ўзбекистоннинг, унинг саноат ишлаб чиқаришининг аста-секин халқаро меъёр ва стандартлар даражасига чиқаётганини ҳам билдиради. «ЎзДЭУавто» лойиҳасининг қиймати 650 миллион Америка долларига тенг. Ўзбекистоннинг улуши бунинг ярмини ташкил этади. Яъни, бу корхона «фифти-фифти» усулида, «элликка-эллик» тартибида барпо этилган. Унинг лойиҳадаги қуввати — йилига 200 минг тонна кам ёнилғи талаб қиладиган, шинам енгил автомобиль ва микроавтобуслар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бунга ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз. Агар истак бўлса, мен журналистларга машиналарда мана шу трекни айланиб чиқишни таклиф қилган бўлардим. Мен ҳатто завод директоридан биз ҳозир бошқа ишлар билан банд пайтимизда журналистларни ҳозир биз юрган ҳамда бошқа машиналарга ўтқазиб, трекда айлантиришни илтимос қилган бўлардим. Бу таклифимнинг боиси шуки, сизлар-ку, енгил машинада юришга ўрганиб қолгансизлар, лекин, мана бу заводда биринчи марта яратилган машинада юриш сизларнинг бу машина қанақа экани, унинг ташқи кўринишигина эмас, бошқа жиҳатлари ҳам анойи эмаслигига амин бўлишингиз учун маълум аҳамият касб этади. Шундай қилса бўладими?

ОВОЗ: Бўлади.

Демак, масала ҳал бўлди, завод директори барчани машинага ўтқазади.

ОВОЗ: Раҳмат!

Ҳозирнинг ўзида Жанубий кореялик шеригимиз билан ўтиргич, бампер, панел, кўрсаткичлар, лак-бўёқ материаллари ишлаб чиқариш ҳамда машина салонини пардозлаш бўйича 5 та қўшма корхона барпо этилди. Уларнинг барчаси имкон қадар бош корхона, яъни мана шу заводга яқин қилиб жойлаштирилди. Голландиянинг «Фонтайн» фирмаси билан ғилдиракларга диск ишлаб чиқариш учун жиҳозлар етказиб бериш бўйича лизинг шартномаси тузилган. Тормоз ва ёнилғи найчалари, электр тасмалари, овозни пасайтирадиган мосламалар, ёнилғи бакларини ишлаб чиқариш хизматини барпо этиш масалалари ҳал этилмокда. Корхоналаримизга майда қолипланган ва пластмасса деталлари ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар берилган. Биз охир-оқибатда ишлаб чиқаришнинг камида 70 фоизини ўзимизда ўзлаштирмоқчимиз. Кўриб турибсизки, бизнинг эришилган маррада тўхтаб қолиш ниятимиз йўқ.

Мен шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, аслида буни суҳбатимизнинг бошида айтиш керак эди, биз мана шундай замонавий объектни қуриш ва ишга туширишни Кореянинг жаҳонга машҳур «ДЭУ» корпорацияси иштирокисиз амалга ошиши мумкин эмаслигини яхши биламиз. Мен бу ўринда «ДЭУ» хусусидагина эмас, Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги жуда кўп масалаларда тобора ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётган ўзаро муносабатлар хусусида ҳам гапириб ўтишни истар эдим.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, биз ҳозир битта иншоотда жуда муҳим, кенг миқёсли объектда турибмиз. Бироқ Жанубий Кореянинг бизнесменлари, компаниялари билан ўзаро муносабатларимиз фақат мана шу завод билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Мисол учун, айтайлик, Тошкентда телевизор чиқарадиган «ЎзДЭУэлектроникс» қўшма корхонаси бор. Бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки қўшни мамлакатлар бозорида ҳам «ЎзДЭУэлектроникс» телевизорларига талаб катта. Бироқ бундан бошқа заводлар, айтайлик, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қабул текстайл» заводи бор. Биз бу тўқимачилик фабрикасини ҳамкор фирмага сотган эдик, у ҳозир бу корхонага мустақил эга бўлиб, унда ишлаб чиқаришни йўлга қўймокда.

«ДЭУ» корпорацияси бундай ҳамкорликни ривожлантиришда ниҳоятда улкан ўрин тутади. Ўзаро муносабатларимизда «ДЭУ» корпорацияси алоҳида ўрин тутиши ҳақида ҳам гапирмай бўлмайди. Мен бу ўринда Ўзбекистоннинг бу фирма, энг аввало, унинг раҳбари жаноб Ким У Жун билан ўзаро амалий муносабатларининг вужудга келишида қилинган улкан ишни ҳам айтмай ўтолмайман.

Яқин орадаги вазифалар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат. Биз тезлик билан заводни лойиҳа қувватига чиқаришимиз, жаҳон бозорига автомобиль техникаси билан кириб боришимиз, енгил машиналарнинг истиқболли моделларини ишлаб чиқиб, ўзлаштиришимиз, бутловчи маҳсулотларни ҳам имкон қадар ўзимизда ишлаб чиқаришга эришишимиз зарур.

Ҳурматли дўстлар, мен бу кун ҳаммамиз, Ўзбекистоннинг барча аҳолиси учун қувончли, ҳатто, бахтли кун эканини айтмоқчи эдим. Суверен Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 давлат сафидан жой олди. Бу тарихимиздаги жуда муҳим босқичдир. Бу бизнинг ўзимиз танлаб олган ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан дадил бораётганимиздан, тараққиётимизда янги маррани эгаллаганимиздан дарак беради. Мен шу гап билан чекланишни истар эдим. Агар саволлар бўлса, уларга жавоб беришга тайёрман.

Эҳтимол, бу матбуот конференциясини ташкил этган киши сифатида жаноб Ким У Жун ҳам гапирар?

(Залдан: «Йўқ, бирдан саволларга ўтайлик», деган овозлар эшитилади).

Ёки бирдан саволларга ўтамизми? Жаноб Кимдан ҳам сўранглар, эҳтимол, унинг ҳам гапи бордир.

(«Йўқ», деган овоз эшитилади).

Кўриб турибсизлар, у ишбилармон одам, дарров асл мақсадга кўча қолади. Майли, саволларни берінглар, жавоб беришга тайёрмиз.

Кореянинг «Чосон илобо» газетаси мухбири Ким У Цзуки:

Бизнинг билишимизча, Ўзбекистон ўзининг мустақиллик даврида Кореянинг иқтисодий моделини чуқур ўрганиб, уни ўз тажрибасида қўлламоқда. Мен сиздан иқтисодий фалсафангиз ҳақида, Корея билан иқтисодий ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириш йўлига қандай қарашингиз тўғрисида сўрамоқчи эдим.

Ислом КАРИМОВ: Бу саволга жавоб беришдан олдин мен Асака автомобиль заводидек улкан объектнинг ишга туширилиши — бизнинг Жанубий Корея фирмалари, умуман Корея иқтисодиёти билан муносабатларимиздаги маълум бир босқич эканини яна бир бор таъкидлашни истар эдим.

Сизлар, ҳурматли кореялик журналистлар, бизнесменлар даражасидагина эмас, балки ҳукумат даражасида ҳам якдиллик ва мустаҳкам ҳамкорлик бўлмаганида бундай объектни ишга туширишнинг мумкин эмаслигини яхши биласизлар.

Шу ўринда Корея Республикаси Президенти жаноб Ким Ен Самнинг 1994 йил ёзида Ўзбекистонга ташрифини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Бу ташриф бизнинг Корея Республикаси билан нафақат иқтисодий, балки сиёсий муносабатларимиз ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Кейин 1995 йил февралидаги бизнинг Кореяга ташрифимиз, у ерда ҳукуматлараро битимлар имзоланиши — муносабатларимизнинг ҳуқуқий асослари яратилиши амалий ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиши нуқтаи назаридан улкан аҳамиятга эга бўлди. Мен, агарда, Ўзбекистон Президенти билан Корея Республикаси Президенти жаноб Ким Ен Сам ўртасида якдиллик, ўзаро ҳурмат бўлмаганида бугунги воқеа содир бўлмаслигини таъкидлашни истар эдим. Менинг бундай дейишга тўла асосим бор. Мен шунга аминманки, бугун бу ерда, заводнинг тантанали очилиш маросимида Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленгнинг ҳозир бўлиши ҳам, энг олий даражадаги ўзаро муносабатларимиз кўнгилдагидек эканидан дарак беради. Бу Корея Президенти муносабатларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қандай аҳамият бераётганидан яна бир ёркин далолатдир.

Сизларни биз бундай муносабатни юксак қадрлашимизга ишонтиришни истар эдим. Ҳа, биз қисқа муддат ичида жуда яхши ривожланган мамлакатлар даражасига чиқиб олган Корея тажрибасини ўргандик. Турли таққосларни суиистеъмол қилмасдан шуни айтмоқчиманки, Корея Республикаси бугунги кунда жаҳондаги 10 та энг ривожланган мамлакат қаторидан жой олганининг ўзиёқ жуда кўп нарсани билдиради. Агар Корея 60-йилда қандай бўлгани эсланса, у жуда қисқа муддат ичида шу даражага эришганини кўрасиз. Бу — Корея танлаб олган ривожланиш модели жуда кўплар учун ҳам фойдали эканини кўрсатиб турибди.

Мен Корея билан ўзаро муносабатларимизда мавжуд бўлган уч омилни алоҳида қайд этишни истар эдим. Булар: Кореяга мансуб бўлган ривожланган индустрия ва технология ҳамда Ўзбекистоннинг ресурсларидир. Агар Ўзбекистоннинг ресурсларини Корея технологияси билан ёки Корея технологиясини Ўзбекистон ресурслари билан омухта қилинса, муваффақиятни таъминлайдиган уйғунлик ҳосил бўлади. Яна бир муҳим омил шуки, корейслар биз учун нотаниш миллат эмас. Мана, қарийб 60 йилдан бери Ўзбекистон ҳудудида корейслар ҳам истиқомат қилади. Улар биз учун Ўзбекистоннинг бошқа барча тенг ҳуқуқли фуқаролари сингари фуқаро ҳисобланади. Корейслар билан ўзбекларнинг табиати, маданияти, тарихи, тафаккур тарзида жуда кўп ўхшашлик бор.

Биз корейсларни бошқатдан ўрганишимиз шарт эмас. Бу эса бизнинг ўзаро муносабатларимизга янги руҳ бағишлайди. Шунинг учун ҳам мен сизлар корейс халқига Ўзбекистон аҳли бизнинг муносабатларимиз, муносабатларимиз истиқболига катта некбинлик билан қарашини етказсангиз, деган фикрни таъкидлашни истар эдим. Ўзбекистон моделини оладиган бўлсак, у икки асосий тамойилга асосланади. Бу ўтиш даври, бозор муносабатларини ривожлантириш масалаларида жаҳонда тўпланган тажрибани ҳисобга олишдир. Назаримда, Кореянинг ҳам, Япониянинг ҳам, истасангиз, Туркия, Германия ва бошқа мамлакатларнинг ҳам тажрибаси бир хилда қизиқарлидир. Моделимизнинг иккинчи асоси эса — тарихимиз, маданиятимиз, истасангиз, кишиларимизнинг дунёқараши, уларнинг тафаккур тарзини ҳисобга олишдир.

Сизлар, ҳар ҳолда, биз ислоҳотларимизни бошлаган беш тамойилдан хабардор бўлсангиз керак. Орадан ўтган 4-5 йил ичида, ишонч билан улар ўзини тўла оқлади, дея оламиз. **Биринчи тамойил** — иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. **Иккинчи тамойил** — бош ислоҳотчи давлат бўлиши лозим. **Учинчи тамойил** — қонуннинг барча нарсадан устунлиги. **Тўртинчи тамойил** — кучли ижтимоий сиёсат. **Бешинчи тамойил** эса — ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш. Бугун бу тамойилларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодиёти, Ўзбекистон ҳаёти мисолида синовдан ўтди ва мамлакатда амалга оширилган ўзгаришларнинг пойдевори бўлди, деб яна бир бор такрорлайман.

Марҳамат, марҳамат.

Жанубий Корея «Ай Ти Ви» телевидениеси журналисти Сун Юн Ю:

Саволларга ўтишдан олдин сизни, жаноби олийлари, бу заводнинг ишга туширилиши билан қутламоқчиман. Автомобилсозлик — ортидан ҳам металлургия, ҳам электрон саноатини эргаштирувчи комплексдир. Шу маънода бугун ишга туширилган завод Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳалари ҳамда саноатига қандай таъсир кўрсатади?

Ислом КАРИМОВ: Сизнинг автомобилсозлик — энг замонавий соҳагина эмас, комплекс соҳа деганингиз жуда тўғри. Модомики, биз ишлаб чиқаришнинг 70-80 фоизини ўзимизда амалга оширмоқчи эканмиз, таннарх, Ўзбекистон ҳудуди ва қўшни мамлакатлардаги нарх омиллари нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ ишлаб чиқариш шохобчаларини барпо этишимиз лозим.

Ҳозирнинг ўзида бу заводга бутлаш нуқтаи назаридан хизмат кўрсатадиган 7 корхона бўйича ҳужжатлар имзоланган. Булар республикамиз ҳудудида корхоналарни қуриш ва реконструкция қилиш хусусидаги ҳужжатлардир. Бизда Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар билан шундай аҳдлашувлар борки, улар ҳам амалга оширилади. Яъни бу республикалар ўз ҳудудларида Асака заводига хизмат кўрсатадиган корхоналар барпо этади. Бу иш уларнинг ҳудудида шундай заводлар жойлашгани ҳамда улар бизнинг заводимизга мунтазам равишда бутловчи жиҳозлар етказиб берадиган бўлгани учун уларнинг ҳам манфаатига хизмат қилади.

Мисол учун, Қозоғистон бизга пўлат, шина ҳамда заводга зарур бўлган бошқа нарсаларни ҳам етказиб бериши мумкин. Энг муҳими, бу соҳаларнинг барчаси жуда кўп меҳнат, бинобарин кўп меҳнат кучи талаб қилади. Агар бу масалага кишиларни иш билан банд қилиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у минтақамиз манфаатларига хизмат қиладиган масала экани аён бўлади. Биз аниқ мисоллар орқали шу нарсага амин бўлиб турибмизки, бу шохобчалар ўз навбатида ишлаётган кишиларнинг малакасини ошириш, янги касбларни эгаллашига ҳам имкон беради.

Кореянинг ўзидагина қарийб 2 минг нафар йигитларимиз таҳсил кўриб, айтиш мумкинки, бутунлай янги малака олиб, бемалол жаҳон технологиялари ва жаҳон стандартлари асосида ишлай оладиган моҳир мутахассислар бўлиб қайтиб келди. Бу бизнинг мамлакатимиз учун, нафақат мамлакатимиз, балки қўшниларимиз учун ҳам муҳим ҳодисадир.

Мен бугун расмий равишда шуни айтмоқчиманки, ёшларимизнинг интеллектуал даражаси, таълим даражаси, истасангиз, маънавий даражаси бу технологияларга тўла мос келади. Ҳозир барча конвейерларда Андижон ва бошқа вилоятларда туғилиб ўсган, камолга етган ёшлар ишламоқда. Жаноб Ким У Жун бу ёшлардан хурсанд, унинг бу йигитларга, уларнинг ишига ҳеч қандай эътирози йўқ. Уларни тайёрлаш учун бор-йўғи 6-8 ой кетди. Яъни, ёшларимизда малака, профессионал даражани оширадиган асос бор, у жуда кўп масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, Ўзтелерадио компанияси:

Жаноб Ким У Жун, энг аввало, Сизни «ЎзДЭУавто»дек ноёб заводнинг ишга туширилиши билан табриклашга ижозат бергайсиз. Менинг саволим қуйидагича: Иттифоқ тарқаб кетиб, мустақил давлатлар пайдо бўлганида жаҳоннинг кўпгина фирма ва корпорациялари бу мамлакатларга сармоя ётқизишга шошилгани йўқ. Бироқ Сиз раҳбарлик қилаётган «ДЭУ» гуруҳи Ўзбекистонда автомобилсозликка йирик сармоя киритишга жазм этди. Марҳамат қилиб айтсангиз, Сизнинг ўша пайтдаги ҳисоб-китобларингиз нималарга асосланган, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг қандай салоҳияти Сизни ана шундай иш тутишга ундади?

Ким У ЖУН: Саволингизга энг, аввало, шундай жавоб бермоқчи эдим.

Сиз, жаноб журналист, мени бу заводнинг ишга туширилиши билан табрикладингиз. Мен эса бу қутлови завод ишга тушишига катта ҳисса қўшган, куч ва ғайрат сарфлаган мамлакатингиз Президенти ва республика раҳбариятига йўллашни истар эдим. Бундан ташқари, мен бу завод қурила бошлаганидан автомобиль чиқарганига қадар орадан икки йилдан сал кўпроқ вақт ўтганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мана сиз атрофингиздагилардан ёки бошқалардан сўраб кўринг-чи, жаҳоннинг қаерида мана шундай қисқа муддат ичида замонавий автомобиль заводи қурилган экан. Бу жаноб Президентнинг мана шундай автомобиль заводи қуришга иштиёқи ниҳоятда зўр бўлганидан, айни пайтда қурувчилар ҳамда бу қурилишда иштирок этган барча мана шундай жасорат учун жуда катта ғаройиб эга бўлганидан далолат, албатта.

Заводнинг биз мўлжаллаган вақтдан қарийб бир йил олдин ишга туширилиши, яъни маҳсулот чиқара бошлагани ҳам ўзбек халқи қилган улкан меҳнатнинг муносиб баҳосидир. Жаноб Президент 2-3 мингдан ортиқ йигит бизда, яъни Кореяда таҳсил кўрганини айтиб ўтди. Мана шу таҳсил жараёнида уларнинг илғор технология ва техникани эгаллаш қобилияти тўла намоён бўлди. Мен шунга асосланиб, ишонч билан ўзбек халқи техника ва технологиянинг бутунлай янги даражасини эгаллашга қодир эканини айта оламан. Бу ерда чиқарилган автомобилларимизни кўрган одам улар жаҳон даражасидаги автомобиллардан кам эмаслигига амин бўлса керак. Шундай автомобиллар чиқарилаётгани ҳам сизларнинг жуда катта имкониятга эга эканлигингиздан дарак беради. Мен жуда кўп мамлакатларда автомобиль ишлаб чиқарадиган завод кураман, шунинг учун ҳам комил ишонч билан айта оламанки, бу автомобиллар сифат жиҳатидан ҳам, ишлаш жиҳатидан ҳам бошқа автомобиллардан мутлақо қолишмайди.

Мана, сиз қандай ҳисоб-китоблардан сўнг бу ерда сармоя ётқизишга қарор қилганимни сўрадингиз. Очиқ айтсам, муайян маънода бунга рафиқам ҳам сабаб бўлди. 1986 ёки 1987 йилда у мамлакатингизда меҳмон бўлган эди. Уйга қайтиб боргач, Ўзбекистонда корейсларнинг иккинчи ва учинчи авлоди яшаётганини айтди ҳамда бу ерда бирор корхона барпо этилса яхши бўларди, бу уларни ҳам, Ўзбекистонни ҳам қўллаб-қувватлашга ҳамда муносабатларни йўлга қўйишга ёрдам берарди, деди. Бундан ташқари, бахтимга Президентларингиз Кореяга ташриф буюриб қолди. У киши билан учрашиш имконияти пайдо бўлди. Дастлабки учрашувдаёқ мен Президентингизни жуда ёқтириб қолдим. У Корея иқтисодиётини ривожлантириш учун жуда кўп иш қилган собиқ Президентимиз Хо Чон Гига жуда ўхшар эди. Бизнинг корхоналаримиз айнан ўша Президент давлатни бошқарган даврда ривожланган. Биласизки, сармоя ётқизиш учун жуда кўп сабаб ва шарт-шароит талаб қилинади, бироқ сармоя ётқизиш учун энг муҳим талаб — сиёсий барқарорликдир. Мен сиёсий барқарорлик ҳақида гапирганимда кучли раҳбарликни назарда тутаман. Жаноб Президент интеграциялашсак, Ўзбекистоннинг бой ресурслари билан Кореянинг технологиясини омихта қилсак яхши бўларди, деди. Мен бунга қўшимча қилиб шуни айтмоқчи эдимки, агар халқ, одамлар илғор бўлса, илғорларча фикрласа, ҳар қандай вазифани ҳал қилса бўлади. Ана шу мулоҳазалар бир қарорга келишимда муҳим ўрин тутди. Биринчидан, мамлакатингиздаги сиёсий барқарорлик бу ерга сармоя ётқизишга розилик беришимга сабаб бўлди. Иккинчидан, сизларнинг жаноб Президентингиз бизнинг автомобиль заводига борганида унинг кўзи, унинг иродаси мени илҳомлантириб, ҳаяжонга солиб қўйди. У шундай заводга эга бўлишни чин дилдан истар эди ва бу ҳол менга ҳам кучли таъсир қилди. Умуман, автомобиль заводи йилига икки юз мингдан зиёд машина чиқарганидагина рентабелли бўлади ва фойда келтиради. Бироқ автомобиль ишлаб чиқаришгина эмас, уни сотиш ҳам муҳим, тўғрими? Бундан ташқари, жаноб Президент бу заводнинг бошқа маҳсулоти ҳақида, ҳар бир ўзбек оиласини автомобиль билан таъминлаш зарурлиги ҳақида ҳам гапирди... Шунинг учун ҳам биз маҳсулотнинг 50 фоизини мамлакат ичкарисида сотиб, 50 фоизини экспорт қилишни назарда тутганмиз. Биз Марказий Осиё мамлакатлари, кейинчалик Россия, эҳтимол МДҲдаги бошқа давлатлар, шунингдек, Эрон, Хитой ҳамда бу минтақадаги бошқа мамлакатларнинг ҳам экспорт қилинадиган бозор ҳисобланишини назарда тутганмиз.

Шерзод ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Ўзбекистон телевидениеси мухбири:

— Менинг Корея Республикасининг сиёсий масалалар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг жанобларига саволим бор. Айтингчи, бизнинг мамлакатимиз сизда қандай таассурот қолдирмоқда?

Ким Ток ЛЕНГ: Мен бу ерга келаётганимда Иттифоқ пароканда бўлганидан кейин Ўзбекистон иқтисодиёти хароб, фалаж аҳволда, деб эшитган эдим. Бироқ ҳақиқий аҳволни кўриб ҳайратга тушдим. Мен Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки қийинчиликларни енгиб ўтганига ҳамда келажак сари дадил боришга қодир кучга эга эканига амин бўлдим. Бу, айниқса, куч ва ғайратга тўла кишиларингиз, ёшларингизда яққол намоён эди. Мен бу йил, яъни 1996 йил бурилиш йили бўлади, Ўзбекистон иқтисодиёти ижобий тараққиёт, ўсишга эришади, деб эшитдим. Мен бу ижобий ўзгаришларнинг сабабчиси Президент Каримовнинг етакчилиги, оқилона ички сиёсати эканига ишонаман. Жаноб Президент мамлакат бориши лозим бўлган мақсадларни аниқлаб халққа тушунтирди ҳамда халқнинг куч-ғайртини мана шу мақсадга эришишга йўналтира олди. Назаримда, унинг етакчилик қобилиятларида, сиёсий донолик билан иқтисодий башорат уйғунлиги бор. Назардан қочириш мумкин бўлмаган яна бир жиҳат борки, бу Ўзбекистон халқининг имконияти ва куч-қудратидир. Ўзбек халқи жаҳон тараққиётига улкан таъсир ўтказган ёркин тарихга ҳамда қадимий маданиятга эгадир. Бундан ташқари, Ўзбекистон халқининг мустақилликка эришилганидан кейин олдинги шуҳратни қайта тиклаш истаги жуда кучлилиги таҳсинга лойиқдир. Биз, корейслар, Шарқ кишилари, ўзбеклар билан қўлни қўлга бериб мана шундай завод қурганимиз билан фахрланамиз. Шунинг учун ҳам Кореянинг тажрибаси Ўзбекистон иқтисодиётининг шитоб билан ўсишига ҳамда унинг келажагига озгина бўлса-да кўмак берса, биз бу йўлда бор кучимизни аямаймиз. Чин юракдан Ўзбекистон Республикасига муваффақиятлар ҳамда равнақ тилайман.

Г. ЗУБАРЕВ, Латвия телевидениеси мухбири:

Менинг Ўзбекистон Президентига иккита саволим бор. Биринчидан, Сиз нима учун «Мерседес» ёки «Ниссан»ни эмас, айни «ДЭУ»ни танлаганингизни изоҳлаб берсангиз. Иккинчи саволим, Сиз бу завод ёш ишчиларнинг ақл-заковати, «ДЭУ» технологияларига мос эканини айтдингиз. Мен ажойиб мамлакатингизда машинада саёҳат қилиш имкониятига эга бўлдим. Энди «ДЭУ» технологияси Сизнинг йўлларингизга мос келиши учун нима қилиш керак бўлади? Раҳмат.

Ислом КАРИМОВ: Биринчи саволингизга жавобим шуки, «ДЭУ» фирмаси — жаҳонда машҳур фирма бўлиб, салоҳияти бўйича ҳам, имкониятлари бўйича ҳам, истасангиз чиқараётган маҳсулоти билан ҳам сиз тилга олган фирмалардан асло кам эмас. Иккинчи омилга келсак. У ҳамкорлик — икки томонлама ҳаракатдан иборат эканидан далолат беради. Яъни, икки томон бир-бирига қараб ҳаракат қилади ҳамда бу ҳаракатлар тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, Жанубий Корея ҳамда корейс халқи ўзининг тафаккур тарзи, интилишлари, шунингдек, бу ерда икки юз мингдан ошиқ корейс миллатига мансуб киши истиқомат қилаётгани, буларнинг барчаси таъбир жоиз бўлса, биз томонга қараб қилинаётган ҳаракатдир. Агар эътибор берган бўлсангиз, мен бизнинг биринчи, муҳим тамойилимиз — иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш эканини айтдим. Истасангиз, буни бутун сиёсатимизни ҳам мафкурадан холи қилиш деб тушунишингиз мумкин. Барча мамлакатлар ва фирмалар учун эшигимиз бир хилда очиқ. Биз ўзимиз томонга қилинаётган ҳаракатни, бизга қаратилган эътиборни юксак қадрлаймиз. Иккинчи саволга келсак, шуни айтиш лозимки, у Россия табиати, Россия ҳаётини назарда тутиб, берилганга ўхшайди. Россия ёмон йўллари билан машҳур, деган ҳазилнома мақол бор. Ўзбекистоннинг йўлларига келсак, у ҳали халқаро стандартларга мос эмас, албатта. Мен Латвияда бўлганман, йўлларингизни кўрганман. Сизларнинг йўлларингиз бутунлай янги стандартлар асосида қурилган. Бизда бу маънода муаммолар бор албатта, бироқ Россия йўллари билан солиштирадиган бўлсак, бизнинг йўлларимиз анча фарқ қилади. Шунинг учун ҳам мен сизнинг саволингизни бизнинг автомобилларимизгина эмас, йўлларимиз ҳам замонавий бўлишига даъват деб қабул қиламан. Эртага бу замонавий автомобиллар турмушимизга кириб борганида табиийки, йўлларимиз бизни қониқтирмайди. Биласизми, биз Ульяновскдами, эсимда йўқ, бошқа жойдами чиқариладиган «УаЗИК»да юришга ўрганганмиз. Киши бундай «УаЗИК»да юрганида юк машинасидами ёки енгил машинада юрибдими — билмайди. Албатта йўлларимиз ҳам бундай машиналарга мос эди. Энди кун тартибида янги масала турибди ҳамда мен бу масала устида ишлашимиздан хурсандман.

Черногаев қийналяпти, саволи бўлса керак.

Юрий ЧЕРНОГАЕВ, Россиянинг «Постфактум» агентлиги:

Кореялик меҳмонга савол беришимга ижозат бергайсиз. Сиз томондан қайси банклар бу лойиҳани молиявий жиҳатдан таъминлашда иштирок этди ёки бу ишда «ДЭУ» компаниясининг ўзигина қатнашдими? Ислом Абдуғаниевич, сизга саволим, сиз автомобилларнинг 50 фоизини экспорт қилмоқчисиз. Бироқ Қозоғистон яқинда мамлакатга олиб келинаётган автомобиллардан олинадиган божни 6 мартага кўтарди. Бу ягона иқтисодий макон барпо этишга интилиш билан қай даражада мос тушади? Раҳмат.

Ким У ЖУН: Қурилишни «ДЭУ» ҳеч қандай банклар иштирокисиз маблағ билан таъминлади.

Ислом КАРИМОВ: Сиз экспортни ҳар бир мамлакат ўзича ўрнатадиган божхона тўловлари билан боғлаяпсизми? Саволингизда бож тўловлари билан бизнинг маҳсулотимизнинг 50 фоизини сотиш истагимиз ўртасидаги алоқа кўриниб турибди. Бож ҳажми ҳақида фикрлайдиган бўлсак, божхона ҳар бир мамлакат сиёсатининг бир қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакат бу масалани ўзича ҳал этади ва менинг бугун бу мавзуда фикр юритишга ҳаққим йўқ. Бугунги кунда Қозоғистон ягона, шу жумладан, божхона иттифоқи ҳақида ҳам тўрт томонлама шартнома тузган экан, аёнки, бу нарса фақат Қозоғистон манфаатларидангина келиб чиққан эмас. Мен ҳар бир мамлакатда истиқомат қиладиган халқ, фуқаролар манфаати ҳамма нарсадан устун туриши ҳамда ҳар бир давлат ҳар қандай ишда фақат мана шуни ҳисобга олишига аминман. Агарда бизнинг ёнгинамизда, бу ердан атиги 100 километр нарида жойлашган Чимкент вилояти аҳолиси автомобилни Тошкент вилоятидагидан кўра анча қимматга сотиб оладиган бўлса, ўз-ўзидан муаммо туғилади ва кимдир бу муаммони ечиши лозим бўлади.

Кеча «Правда Востока»да жуда яхши, ўзига хос масала ҳақида ўқиб қолдим. Украиналик фуқаро газетага мурожаат қилиб, «Нексиа» машинасини сотиб олишга ёрдам беришни сўрабди. Бу биттагина факт, холос. Аминманки, эртага бундай истаклар жуда кўпайиб кетади. Шунинг учун ҳам бизни экспорт масаласи мутлақо ташвишга солмайди. Қўшни мамлакатлар фуқаролари бундай машиналарни сотиб оладиган бўлса, ҳеч қандай божхона ва божлар бунга халақит беролмайди. Ўзбекистоннинг ичидаги талабга келсак, мен энг оддий ҳисоб-китоблар йўли билан сизга шуни айтишим мумкинки, биз аҳолининг 20 йилга етадиган талаби билан таъминланганмиз. Бу ерда ҳеч қандай муаммо йўқ.

Кореянинг «Енхап ноус» агентлиги журналисти Чунг Ван ХУН:

Жаноб Каримов, Сиз Президент Ким У Жун билан анчадан бери танишмисиз? Унинг инсоний фазилатлари тўғрисидаги шахсий фикрингиз қандай?

Ислом КАРИМОВ: Мен жаноб Ким У Жун ҳақида жуда кўп гапиришим мумкин. Лекин у ҳақда қисқагина гапираман. Бизнинг танишлигимиз «ДЭУ» фирмаси ҳамда шахсан у билан ҳамкорлигимиз мобайнида бу фирма жуда ҳам жиддий ва масъулиятни ҳис қиладиган фирма эканига бирон марта ҳам шубҳа туғилгани йўқ. Шунинг учун ҳам биз учун, Ўзбекистон учун бу фирма билан ҳамкорлик қилиш катта шарафдир. Жаноб Ким У Жуннинг ўзига келсак, шуни айтмоқчиманки, мен унинг нафақат юксак профессионал сифатларига, тўғрилик, масъулиятни ҳис қилиш, истасангиз, очиқлик сингари сифатларига ҳам амин бўлдим. Бундай фазилатлар ҳар бир мамлакатда, биринчи навбатда бизда, Ўзбекистонда айниқса катта ҳурмат қозонади. Саволингиздан фойдаланиб, яна бир бор айтмоқчиманки, биз Корея Республикаси ҳамда Кореянинг барча фирмалари билан ҳамкорлигимиздан тўла қаноат ҳосил қилганмиз, ҳамда бу ҳамкорликка катта умид боғ

Қонунбузарлик чорасиз қолмас

ИНСОН МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

ёки аҳоли омонатларини индексациялаш жараёнида дуч келинган баъзи фактлар ҳақида

Таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик руҳи билан қабул қилинган қонунларимизни фуқаролар манфаати йўлида хизмат қилиш, ижтимоий адолат таъминланишига йўналтирилган тизимли ва барқарор тадбирлар мана беш йилдирки давлатимизнинг, унинг раҳбарининг сиёсати ўзагида турибди. Бу — фуқаропарварликни нафақат ҳамюртларимиз, балки жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда, тан олмоқда.

Ана шундай инсонпарварлик, оқилона сиёсат Президентимиз И. Каримовнинг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатларидаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармонида ёрқин акс этди. 1992 йилнинг 1 январигача жамғарма банкларида сақланаётиб қадри «бир пул»га айланиб қолган миллионлаб юртдошларимизнинг пешона тери билан тўплаган маблағлари қадрини қайта топиб, қаддини ростлади.

Энг муҳими, аҳолининг давлатга, юритилаётган сиёсатга ишончи ортди. Келажакка бўлган қарашларга, умум руҳиятга ижобий таъсир этди. Буларни теварак-атрофимиздагилар суҳбатидан, халқ банклари биноларига юзидан нур ёғилиб кириб-чиқаётганларнинг кайфиятидан билиб олиш мумкин.

Тан олиш керак, мазкур масаладаги юртбошимиз Фармони ижросини таъминлаш бўйича давлат тадбири 1995 йил 12 февралдаги ҳукумат қарори асосида республикамизда юксак уюшқоқлик, кенг кўламли ташкилотчилик билан амалга оширилди. Халқ банклари, суғурта идоралари, махсус ташкил этилган комиссиялар бу вазифаси масъулият ҳисси билан амалга оширдилар. Кучларни ҳам, вақтни ҳам аямасдан меҳнат қилишлари эвазига кўзланган мақсадга эришилди.

Бу ишлардан ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, жумладан, прокуратура органлари четда турган эмас. Прокурорлар ушбу хайрли тадбирларни тўғри, қонунларга оғишмай амалга оширилиши устидан мунтазам назорат ташкил этдилар ва ижроси таъминланишини кузатиб бордилар. Маблағ-жамғармаларни индексациялаш жараёнлари нисбатан эксцессларсиз ўтди. Лекин, «шоли курмаксиз бўлмайди» деганларидек, баъзи салбий фактлар ҳам кузатилди.

Масалан, Жиззах вилояти Дўстлик тумани ҳокимлиги қошида тузилган «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш масалалари бўйича комиссия» йиғилишида С. Борган ва А. Борган деган шахсларнинг республика ҳудудидан чиқиб кетаётганлиги сабабли индексация қилинган пул маблағларини муддатдан олдин берилишини сўраган аризалари кўриб чиқилди. Комиссия ҳукумат қарорларининг 6-банди ва қарорга илова этилган Низомнинг 15-бандига хилоф равишда иш тутиб, 7-бандни ҳам қўпол равишда бузиб, аризани қаноатлантирган. Ушбу хусусда туман ҳокими А. Ҳожимуродов 1996 йил 17 майда имзолаган 93-ф сонли фармойиши юзага келган. Оқибатда белгиланган муддатдан олдин ноқонуний тўловни амалга ошириш, барча пулни бирданига бериб юбориш, шунингдек, тўловни бюджет ҳисобидан бериш каби ҳуқуқбузарлик содир этилган. Давлат бюджети 70 минг сўмдан ошиқ зарар кўрган.

Табиийки, бундай қонунбузарлик чорасиз қолмади. Аввало Жиззах вилоят ҳокими мазкур ноқонуний фармойишни дарҳол бекор қилди. Туман ҳокимига ҳайфсан эълон қилинди. Ҳокимнинг ўринбосари С. Эргашев, туман молия бўлимининг мудири И. Зиятқулов, туман халқ банки бошқарувчиси Ю. Нурлибоевлар эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилдилар. Ҳаракатда оддий қонунбузарлик эмас, жиноят белгилари ҳам мавжуд эди.

Бундай ишлар «бежиз»га қилинмаслигини эътиборга олиб, Дўстлик туман прокурори Музаффар Назаров мазкур факт юзасидан жиноят иши қўзғатди ва терговни бошлаб юборди. Маълумки, бу каби нопок ҳаракатлар ижтимоий адолатни таъминлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатига катта зарар етказади. Жамиятимизда шакллана бошлаган ҳуқуқ маданияти деган бинонинг пойдеворига путур келтиради.

Индексациялаш жараёнида яна бир қатор жойларда масъул шахслар томонидан ҳуқуқий жиҳатдан маданиятсизлик аниқланди. Мисол учун, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар ҳокимияти қошидаги, ушбу масала бўйича масъул бўлган комиссия Йўлдошева Хурсандой деган аёлнинг ўғли Олим Турдиқулов номидаги омонатни индексация қилишни ноқонуний рад этган. Сабаб қилиб эса, ўғлининг жиноят содир этиб, жазо ўтаётганлигини келтиришган.

Ваҳоланки, омонат эгаси ким ва қаерда эканлиги, жазо ўтаётибдими йўқми, бу ҳолатлар омонатга топширган пул маблағини индексациялашни таъқиқлашга асос қилиб олиниши мумкин эмаслиги аёндир. Ҳукумат қарорида акс этмаган таъқиқни қўллаб, комиссия ноқонуний иш тутган ва нотўғри хулоса қилган. Шаҳрисабз шаҳар прокурори Бўри Мўминов дарҳол мазкур ноҳуқуқий қарорни бекор қилишни талаб қилиб, протест келтирди ва қонунсизлик барҳам топди.

Индексациялаш жараёнларида яна баъзи камчилик, ноқонунийлик, лоқайдлик каби фактлар содир этилганлиги қайд этилдиким, улар барчаси прокурорлар томонидан ўз вақтида аниқланиб, чоралар кўрилди.

Хуллас, «шоли» ҳақидаги фикримизни давом эттириб, демоқчимизки, катта шоли хирмони яратилганда, унинг орасида аралашиб қолган «курмак» бу —яратувчилик ишига соя солмаганидек, айрим юқоридаги каби ҳолатлар катта одамийлик тадбири бўлган инсон меҳнати қадри — пулини қад ростлаши учун амалга оширилган ишларга доғ туширмайди. Улар шолини совуриш ва тозалашда олиб ташланадиган курмак донидек, орадан қонун кучи билан чиқариб ташланади...

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.

Маънавиятимиз завол топмасин

АСРЛАРНИНГ АЗИЗ ГАНЖИНАСИ

Юртбошимизнинг: «Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», — деган пурҳикмат сўзлари бор. Бу иборада жамулжам бўлган маъно барчамизга тегишли. Жумладан, кутубхоначилик соҳаси ходимларига ҳам. Шу боисдан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг китоб сақлаш бўлими бошлиғи Шавкат Алимов билан суҳбатимиз бироз йироқдан — мозийдаги ота-боболаримизнинг китобга муносабатидан бошланди.

— Инсон заковати хазинаси, дурдоналар тўпланган жой, халқимизнинг миллий-маданий қадриятларини, урф-одатларини минг йиллар давомида босиб ўтган тарихини мужассамлаштирган маскан — бу, шубҳасиз, кутубхоналардир. Улар ўз моҳияти билан битта мақсадга — аҳолининг маънавий эҳтиёжларини матбуот асарларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Бинобарин, бу соҳа мамлакатимизда юз бераётган туб ижобий ўзгаришлар асосида ўз ишининг барча жиҳатларини қайта кўриб чиқиш ва янгиланишни талаб этмоқда.

Шу ўринда тарихимизга бир назар солсак: энг биринчи кутубхоналар эрамизнинг III асрида Хоразмда пайдо бўлганлигидан хабар топамиз. Ибн Сино давригача ҳам Бухорода оламга донғи кетган кутубхона бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Тарихдаги қайси одил ҳукмдор ёки жаҳонгирни эсламайлик, улар ҳам маърифат маскани — кутубхоналарга алоҳида эътибор берганига гувоҳ бўламиз. V-VII асрда ҳали Европадаги кўпгина мамлакатларда ёзма адабиёт шаклланмаган бир пайтда қадимги туркий халқлар ажойиб асарлар яратганликларининг сабаби ҳам шунда!

— Энди ҳозирги шароитдаги кутубхоналарнинг иш фаолияти хусусида сўз юритсак?

— Аслида зиё масканларининг тараққиёти ўз моҳият-эътиборига кўра давр талабидан олдинроқ юришни тақозо этади. Бозор муносабатлари, энг аввало, ишлаб чиқаришдан ташқари соҳалар, хусусан, кутубхоначилик ишларига бирмунча қийинчиликлар келтириши аён. Бунда улар ҳам ўзларининг иқтисодий томонини мустаҳкамлаш учун қўшимча маблағ топиши керак деган тушунчадан келиб чиқиб, бу борада ички имкониятлар ҳисобига маълум тадбирлар амалга оширляпти. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, кутубхонани даромад масканига айланти-риш мумкин деган хаёлга бориш ўта хавфли. Бизда кутубхона хизмати бепул. Чунки кутубхоналар давлат таъминотида. Зеро, жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатларидаги кутубхоналар давлат томонидан муҳофаза қилиниб, қўллаб-қувватланади, буни унутмаслигимиз керак.

— Қизиқарли мавзудан сўз очдингиз: китоб ва бозор сиёсати... Ҳозир энг зарур чора-тадбирлар нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Кутубхоналарнинг янгича хўжалик муносабатига ўтишини ҳуқуқий таъминлаш учун қисқа вақт ичида Ўзбекистон Республикасида кутубхоначилик ишини ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари қайта ишлаб чиқилиши зарур. Бу ўринда кутубхоналар иши тўғрисида янги қонун ва қарорларга эҳтиёж катта. Ҳозирги шароитда кутубхоналар ҳуқуқини кескин кенгайтириш, улар ўзларига тегишли барча масалаларни ҳал эта оладиган бўлишлари учун Ўзбекистон кутубхоначилар уюшмаси ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қонунда кутубхоналарнинг бинолари ва бошқа иншоотларидан, асосий иш воситаларидан, айниқса ҳар хил матбуот нашрлари ва бошқа материаллардан ва тўпланган маънавий бойлик хусусийлаштирилишини ҳамда бундан ғайри- мақсадда фойдаланишни таъқиқлаш; китоб жамғармалари халқнинг миллий-маданий мероси ва келажак авлод учун тарихий ёдгорлик эканлигини инобатга олиб, кутубхона ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини, кутубхоналарга етказилган зарар учун қонун олдида шахсларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш керак!

— Мамлакатимиздаги кутубхоналарнинг бугунги аҳволи ва фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда 17 мингга яқин турли даражадаги кутубхона ишлаб турибди. Уларнинг 80 фоизи қишлоқларда бўлиб, аксарияти тор, зах, ноқулай биноларда жойлашган, иситиш ва совитиш ускуналарига эга эмас. Энг оддий техник воситалар билан ҳам таъминланмаган. Шу боисдан ҳам кутубхоналаримизнинг аҳолига маърифий хизмат кўрсатиш даражаси 38,2 фоизни ташкил қилади, холос. Бинобарин, кутубхоналар ўз ўқувчиларини йил сайин йўқотяпти. Китоб таъминоти эса камаймоқда.

Китоб танқислиги бадиий адабиёт соҳасидагина рўй бераётгани йўқ. Бу ҳол дарсликлар, луғатлар, ҳатто даврий нашрларга ҳам тааллуқли.

— Мамлакатимиздаги Бош ганжина — улкан кутубхонанинг тажрибали мутахассиси сифатида айтинг-чи, ишни яхшилаш учун нималар қилиш зарур?

— Аввал мавжуд бўлган республика кутубхона коллекторини қайта тиклаб, унинг вазифасини кенгайтирган ҳолда, кутубхоналар талабини ўрганиш, нашриётлар ва кутубхоналар билан шартномалар тузиш, буюртмаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига оид чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Галдаги масалалардан бири шуки, кутубхоналар жамғармаларини фақат кутубхона коллектори орқали эмас, балки бошқа турли манбалар орқали тўлдириш имкониятини ҳам яратиш зарур. Бунинг учун эса кутубхоналарга матбуот нашрларини китоб магазинларидан, шу жумладан, энг зарурий адабиётларни букинистик магазинларидан, аукционлардан, аҳолидан нақд пулга сотиб олиш имкониятларини яратиб бериш мақсадга мувофиқдир. Китобхонларни кутубхонага жалб этиш, ҳар бир муассасада китобхонларга хос ва мос бўлган техник-эстетик муҳит яратилгандагина кутубхона ҳам, ходимлар ҳам бир маромда ишлаши мумкин. Демак, шу мақсадда кутубхоначилик соҳасининг моддий негизини тубдан яхшилаш бўйича ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лозим.

Кейинги йилларда кутубхоналарни автотранспорт воситалари (хусусан, библиобуслар) билан таъминлаш ҳолбуки, йирик кутубхоналар, шаҳар ва туман марказлаштирилган кутубхоналар тизимларининг бир маромда фаолият кўрсатиши учун автотранспорт воситалари доимо зарур. Шуни эътиборга олиб, кутубхоналар учун тежамли ва ихчам автомобиллар ажратиш, жойларда ҳаракатда бўлган транспорт воситалари учун ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар, фонд ва лимитлар, уларни сотиб олиш учун эса маблағ албатта зарур.

— Бу борада бевосита ўзингиз хизмат қилаётган кутубхонада аҳвол қандай?

— Республикамиздаги энг бой маърифий хазина — Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасидаги аҳвол ҳам ҳозир ўта ачинарли. Энг асосий муаммо — жой танқислиги. Кутубхонанинг умумий китоб жамғармаси 1996 йилнинг 1 январига келиб 4.935.251 нусхани ташкил қилган эди. Шу ўринда бироз ортга қайтайлик: кутубхона ўзининг 125 йиллик тарихида 4 маротаба, 1935 йилда, 1944-48 йилларда, 1963 йилда ва 1974 йилда кенгайтирилди. Сўнгги кенгайтириш асносида кутубхона Мустақиллик майдонидаги бинога қисман кўчирилди. Янги бино қуриш масаласи эса 1964 йилдан бери чўзилиб келмоқда.

Кутубхонамизнинг китоб сақлаш бўлими 1963 йилда қурилган бўлиб, у 600 минг нусха адабиёт сақлашга мўлжалланган, холос. Ҳозирги пайтда эса бу бинода беш миллионга яқин китоб нашри сақланмоқда. Яъни, бу меъёрдагидан 10-12 баробар ортиқ.

Хуллас, кутубхонамиз китоб сақлаш шароити жуда оғир бўлган ҳолатни бошдан кечирмоқда. Жой йўқлиги туфайли умумий жамғарманинг 150 минг нусхаси очилмасдан, боғлиқ ҳолда сақланмоқда. Кутубхонадаги китоб сақлаш меъёрига зид равишда жойлаштирилган 500 минг нусхадаги китоблар зудлик билан қайта таъмирлаш ва муқовалашга муҳтож ҳолда турибди.

Кутубхонада китоб жамғармасини жойлаштириш алоҳида муаммо бўлиб турган бир пайтда кутубхона раҳбарларининг қаршилигига қарамай Тошкент шаҳар ҳокимияти 1994 йил 13 июлда Сулаймонова кўчасидаги 55-уйда жойлашган, 100 минг фондга эга бўлган кутубхонанинг биносини бузиш ҳақида қарор чиқарди. Натижада жуда катта миқдордаги қимматли адабиётлар ҳозир китоб сақлаш учун мосланмаган жойда ётибди, шаҳар ҳокимияти эса кутубхонанинг асосий биносига яқин бўлган жойдан бино ажратиш ҳақидаги сўралган таклифимизни ҳанузгача ижобий ҳал қилгани йўқ.

Музаффар АҲМАД суҳбатлашди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳа, Шавкат Алимовнинг гапларида жон бор. Келтирган факт ва рақамлари кишини ўйлантиради. Халқимиз маънавият элчилари — китобларнинг аҳволига ҳеч қачон бефарқ қарамаган. Тан олишимиз керак, маиший турмушимиздаги икир-чикирлар, ижтимоий ҳаётдаги улкан воқеалар таъсиридами, кутубхона, китоб, мутолаа масалаларидан кейинги пайтда бироз узоқлашдик. Аслида, яна такрорлаймиз: маънавияти бой ва пок халқ бу муаммоларга бефарқ қараб турмайди. Биз эса — ўз билимимиз билан асрларни озиқлантирган, мамлакатларни ҳисоб-китобга ўргатган халқмиз. Демак, кутубхона ишларига, китобга бефарқлигимиз ҳам ўткинчи ҳол. Демак, кутубхоналар ҳақида суҳбатларимиз ҳам ҳали давом этади...

ДУНЁ ОВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

АҲОЛИ ТОБОРА КЎПАЙМОҚДА

• ВАШИНГТОН. Жаҳон банкининг йиғилишида курраи заминимиз аҳолиси ўсиш суръатига бағишланган маъруза тингланди. Демографик мутахассисларнинг башоратига кўра, ҳозирги кунда Ер юзида 5,7 миллиард аҳоли бўлса, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 9,8 миллиардга етади.

Олимларнинг хабар беришича, ривожланган мамлакатларга қараганда ривожланаётган мамлакатлар — Осиё, Африка ва Лотин Америкасида аҳолининг табиий ўсиши 10 баробар кўпайган.

Бу жараён шу тарзда давом этаверса, 2050 йилда аҳоли сони Осиёда 5 миллиард, Африкада 2,1 миллиард, Жанубий Америкада 840 миллион, Австралия ва Океанияда 46 миллион кишига етади.

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

• ПАРИЖ. Исроил давлати Президент сайловларидан кейинги нотинчликнинг олдини олиш мақсадида Франция ташқи ишлар вазири Эрве де Шарреттнинг Яқин Шарққа уч кунлик расмий сафари бошланди. Ташриф доирасида француз дипломатлари Дамашқ, Байрут, Қуддус, Газо, Уммон ва Қоҳирада бўлади.

Ташриф арафасида, якшанба куни телефон орқали Франция Президенти Жак Ширак билан Миср Президенти Ҳусний Муборак ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Икки мамлакат бошлиқлари Исроилда осойишталик тарафдори эканликларини билдирдилар.

ТИНЧЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ НИЯТИДА

• ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари Босниядаги шартномани бажариш кучлари (ШБК) сафидан ўз ҳарбий бўлинмасини шу йилнинг охирида олиб чиқиш ниятида. «Жорий йилнинг охиригача улар топширилган вазифани бажаради», деб таъкидлади АҚШ вице-президенти Альберт Гор якшанба куни Си-Би-Эс телекомпаниясининг мухбири билан суҳбатда.

НАТОга аъзо давлатлар мудофаа вазирлари шу йилнинг сентябрь ойида Норвегияда бўлиб ўтадиган учрашувда Босния тинчликни муҳофаза қилиш учун янги кўп миллатли ҳарбий қисм тузишни мўлжалламоқда.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОРТМОҚДА

• ВИЛЬНЮС. Ҳозирга қадар Литва иқтисодиётига жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори 400 миллион долларни ташкил этади. Литва статистика департаменти бошлиғи Кяститус Заборскаснинг билдиришича, Литвада 1300 га яқин қўшма корхона ва фирмалар фаолият юритмоқда. Уларнинг аксар қисмига Олмония, АҚШ, Буюк Британия ва швециялик тадбиркорлар асос солган.

ҲАРБИЙ МАШҚЛАР АРАФАСИДА

• ВАШИНГТОН. Яқинда АҚШнинг денгиз пиёдаси қўшинлари Австралияда ҳарбий ўқув машқларини бошлайди. Маълумки, Филиппин оролларида кўп йиллар давомида АҚШнинг Осиё ва Тинч океани ҳавзасидаги ўқув-машқ полигонлари вазифасини ўтаб келаётган эди. Лекин 1992 йили ороллардаги сўнгги ҳарбий база ҳам ёпилгач, Пентагон ҳарбий ўқув машқларини тўхтатиб қўйганди.

«Жанубий Кореяда машқларни давом эттиришимиз Шимолий Корея билан АҚШ муносабатларига зарар келтиришини ўйлаб, Тайван бўғозида юзага келаётган мураккаб сиёсий вазиятни юмшатиш мақсадида Австралияга мурожаат қилмоқдамиз», деб таъкидлади Пентагон вакили мухбирлар билан суҳбатда.

ШЕВАРДНАДЗЕНИНГ АЙТГАНЛАРИ

• ТБИЛИСИ. Душанба куни Гуржистон Президенти Эдуард Шеварднадзе Абхазиянинг сиёсий мавқеини белгилаш билан боғлиқ чоралар тўғрисидаги баёнотини эълон қилди. «Биз, — дейилади жумладан баёнотда, — бу ишда, Чеченистоннинг сиёсий мавқеини белгилашда Россия қўллаган андозалардан ҳам фойдаланамиз. Гуржистон ҳукумати манфаатлари ва қарашларига мувофиқ келмаган нарса Россия учун ҳам номақбулдир».

Э. Шеварднадзенинг таъкидлашича, Абхазия сиёсий мавқеининг Гуржистон ҳукумати таклиф қилган модели «Ўзг юксак халқаро стандартлар»га тўла мос келади.

Қисқача айтганда...

• ЖАКАРТА. Душанба куни Вьетнам ташқи ишлар вазири Нгуен Мань Кам билан Хитой ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциациясининг навбатдаги учрашувида икки давлат ўртасидаги ҳудудий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилишга келишдилар.

Маълумки, Вьетнам ва Хитой Тонкин қўрфази, Хитой денгизининг жанубий қисми ва нефтга бой бўлган Спратли архипелагидаги ерларга эгалик қилиш масаласида келиша олмаётган эдилар. Ҳаттоки, мазкур минтақада бир неча маротаба қуролли тўқнашувлар ҳам бўлиб ўтган эди.

***

• КИЕВ. Германия Бундестаги раиси Рита Зосмут душанба куни расмий ташриф билан Украинага келди. Учрашув чоғида молиявий ва иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Украина бош вазири Павел Лазаренко чет эл инвестицияларисиз, хусусан, Германиянинг ёрдамисиз иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш оғир кечишини таъкидлади.

***

• МЕХИКО. Россия думаси федерал кенгаши раиси Геннадий Селезнев бошчилигидаги парламент делегацияси расмий ташриф билан Никарагуага келди.

Ташриф мақсади икки давлат қонун чиқарувчи органлари ўртасида тажриба алмашиш ва мавжуд алоқаларни кенгайтиришдан иборат. Пайшанба куни делегациянинг Куба ва Венесуэлада бўлиши кутилмоқда.

***

• НАЙРОБИ. Сан-Томе ва Принсипи орол-давлатида ўтказилган президент сайловларида Мигел Тровоада ғолиб чиқди. Ахборот маҳкамаларининг хабар беришларича, у 52,7 фоиз овоз олиб, асосий рақиби Мануэл Пинтодан (47,3 фоиз) ўзиб кетган.

Ғарбпараст либерал Мигел Тровоада 60 ёшда. У сайловдан олдин бозор муносабатларига ўтиш билан мамлакатда ҳаётни тубдан ўзгартиришга, фуқаролар турмуш даражасини кўтаришга ваъда берган эди. Лекин шарҳловчилар фикрига кўра, аҳолининг катта қисми Мигел Тровоадага ишончини йўқотган.

Шунақасиям бўлади

КУН-ФУ ДЕБ УЧИБ ТУШДИ

Манчестер. Усмирлар кўпинча машҳур қўшиқчи, киноактёр, ёҳуд спортчиларга тақлид қилади. Спортнинг у-шу, каратэ-до, кун-фу турлари эса дунё ёшларини қизиқтириб қўйган. Спортнинг ғайриоддий тури — кун-фу билан донг таратган Брюс Лининг ҳаётига ҳавас қиладиганлар жуда кўп. 23 яшарлик Скотт Келл ашаддий кун-фучи эди.

— Скотт Брюс Лининг фильмлардаги ҳамма хатти-ҳаракатларини ёддан биларди, — дейди унинг дўстларидан бири. — Унинг зарбасига тақлид қилиб, ўзида шундай куч тўплади-ки... Зарбасининг зўрлигидан мувозанатини тута олмай қолган...

Дарҳақиқат, Скотт Келлнинг зарбаси кучли эди. У машқ қилаётган пайтда борлиқни унутар, хаёлан илоҳий куч-қудратга эга сезарди ўзини. Аслида кун-фунинг сири ҳам шу. Ўз-ўзини хаёлан тайёрлаш, «албатта, уддалайман!» деб ўз-ўзини ўта ишонтириш, бор диққатни шунга йўналтиришдир.

Маҳаллий полициячиларнинг айтишига қараганда, Скотт машқ қилаётиб ўз зарбидан ўзи 10-қаватдан учиб тушган. Машқ пайтида кучини идрок қилолмай қолган. Унда бу ҳолат, бувисининг таъкидлашича, олдин ҳам бўлган экан. Ҳа, ҳар қалай куч-қудратнинг ҳам чегараси бўлгани маъқул экан, чамаси. Йўқса, ўта ҳиссиётли машқлар ҳам кунгилсизлик билан тугаши турган гап.

ГЕРМАНИЯ. Франкфурт шаҳри кўчаларида.
А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мунажжимлар айтганича бор

УЛАР ДАҲО БЎЛИБ ТУҒИЛГАНМИ?

Инсоннинг салоҳияти феъл-атвори, мучалига боғлиқми?

Баҳсли бу фикрга ҳамма ҳар хил мулоҳаза билдиради. Уларга эътирозимиз йўқ. Одатда мунозарага ўтмишдан ё келажакдан жавоб топилади. Мучалнинг одам ақл-идрокига, руҳиятига таъсири хусусидаги фаразимизга тарихий шахслар, машҳур давлат арбоблари ҳаётидан лавҳалар келтирайлик. Шунда ҳақиқатга яқинроқ келамиз.

Кембридж университетининг профессори Вольф Пронининг илмий кузатишлари бу борадаги мунозарага бироз аниқлик киритгандек туюлади. Докторнинг кузатишича машҳур тарихий шахслар илон ва тўнғиз мучалида таваллуд топишган. Илон мучалида Мао Цзе Дун ва Гитлер, тўнғиз йилида эса Чингизхон дунёга келган. Шу ўринда олим кузатган яна бир қизиқ ҳолатни айтиб ўтайлик.

Американинг 42 нафар Президентининг 5 нафари илон (Уильям Гаррисон, Авраам Линьколн, Бенжамин, Уильям Тафт ва Джон Кеннеди), яна беш нафари эса тўнғиз мучалида (Томас Джефферсон, Джон Адамс, Эндрю Джексон, Джеймс Бьюкенен ва Рональд Рейган), қўй йилида эса Джеймс Медисонгина туғилган экан. Ақл-заковатда сичқон ҳам илондан қолишмайди. Сичқон йилида эса тўрт нафар Президент — Жорж Вашингтон, Франклин Пирс, Джимми Картер ва Жорж Бушлар дунёга келгандир.

Мулоҳаза

МУЛК ВА МУЛКДОРЛИК

Одамзот дунёни кўрибдики, ўз хусусий мулки бўлишини орзу қилиб келади.

Аввалига энг оддий ўт ёқиш қуроли бўлган гугуртни, сўнг ўқ-ёйни ўзиники қилишни хоҳлаган. Бу «сўнг»ларни давом эттирадиган бўлсак, ҳеч чеки кўринмайди. Тарихдан маълумки, ҳаттоки, Зулқарнайн, Наполеон Бонопарт ҳам бу «сўнг»ларнинг охирига ета олмаган. Ва етиши мумкин ҳам эмас эди.

Гуркираб ривожланган мамлакатлар ҳаётига назар солсангиз, ҳайратдан ёқанг-изни ушлайсиз, чунки ҳар қандай сармоядор ҳам эртаю кеч ўз сармоясини кўпайтириш тўғрисида қайғуради.

Яқинда Москвада Германия фуқароси кўзидан ёш чиқадиган даражада ҳаяжонланиб ўз ҳаётидан қизиқарли уч тўрт лавҳани ҳикоя қилиб берди.

— Мен ҳаётимда ўттиз иккита киносценарий ёздим. Бир қанча мукофотларнинг совриндориман. Кўп йиллардан бери ўзим Германияда, ўглим эса Санкт-Петербургда яшайди. Икки давлатда ҳам ойлик иш ҳақи деярли бир хил, яъни у ойдан бу ойга учма-уч етказамиз. Германиянинг яхши томони шундаки, кўчада кечаю кундуз бехавотир юрасиз. Аммо, ойлигингиз етмай қолиб қўшнингиздан беш марка қарз сўрасангиз, тақ этиб башарангизга эшикни ёпади. Санкт-Петербургда эса бундай эмас, яъни қўшнингиз беш сўм қарз бериб туриши мумкин. Аммо, автомобиль тўхташ жойидан уйгача бўлган беш юз метр масофада юрагингизни ҳовучлайсиз. Ҳаллослаб келиб йўлакчада бурнингизни дастрўмол билан беркитишга мажбурсиз, йўқса шиптирдан чиқаётган бадбўй ҳид сизни талмовсиратиб қўйиши мумкин.

Бизга маълумки, дунё бойликларига қаттиқ меҳр қўйиш ҳеч қачон яхшиликларга олиб келмаган.

Инсоният мулкка бўлган муносабатини ўзгартириши керак, яъни унга буюм сифатида қараши ва яна ҳам аниқроғи, эртага ўзидан кейин қоладиган бир қоп темир мисолида кўриши керак.

Ўттиз икки фильм яратган инсоннинг ўз ҳаётидан «нолиши» ҳам инсониятнинг мол-мулкка қўйган ортиқча ҳирсу ҳавасидан далолат беради, холос.

Абдураҳмон ИБРОҲИМОВ.

Маданият янгиликлари

«МУКАРРАМ» САФАРГА ОТЛАНЯПТИ

Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур тумани «Ибн Сино» маданият маркази қошидаги «Мукаррам» ёшлар фольклор-рақс дастасининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизов раҳбарлик қилади. Жамоа яқинда ўзбек миллий қўшиқ ва рақс санъатини Туркияда кенг намойиш этиб, яхши ютуқларга эришиб қайтди. Энди эса яқин кунларда Калининград шаҳрида ўтадиган «III Оқ тунлар» халқаро фольклор-рақс фестивалига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Мазкур тадбирда йирик давлатлар қатори «Мукаррам» ёшлар фольклор-рақс дастаси ҳам қатнашади.

Дурдона АЗИЗОВА.

ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Зомин туман ҳокимлиги тарихий ўлкашунослик музейи билан ҳамкорликда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва Зомин туманининг 70 йиллигига бағишлаб, «Зомин баҳори» деб номланган кўрик-танлов ўтказди. У икки босқичдан иборат бўлиб, дастлабкисига якун ясалди. Миллий урф-одатлар, анъаналар руҳида суғорилган танловда туманнинг 16 та маҳалласи иштирок этди.

ТЎЙ БОЛАЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Вилоят ҳокимлиги, шаҳар ҳокимлиги, вилоят болалар жамғармаси «Меҳрибонлик уйи» билан ҳамкорликда Жиззах шаҳридаги «Чўлпон» номли мактаб-интернат боғчасида ўн нафар тарбияланувчиларнинг суннат тўйини ўтказди. Бу маросимда қатнашган вилоят ҳокимининг ўринбосари Сайёра Тўйчиева тўй болаларни табриклаб, уларга кийим-кечак, номига қўйилган минг сўм пул омонат дафтарчаларини топширди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ва Жиззах пластмасса заводи болаларга қимматбаҳо совғалар тақдим этди. Ижодий гуруҳлар концерт номерлари ва театрлашган кўринишлар билан чиқиб болалар дилларини шод этдилар.

Мухтасархон КАРИМОВА.



ҲАЛОЛ-ЛОЛ!!! Муҳаммад АМИН олган сурат.

Китоб жавонингизга

ПАЛОВХОНТЎРА — ИНГЛИЗ ОШХОНАСИДА

Китобсеварлар, хусусан, миллий пазандачилик билан қизиқувчилар учун ажойиб совға тайёрланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилиб, дўконларга чиқаришга ҳозирланаётган янги китоб кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Китобга Т. Худойшукуров, О. Маҳмудов ва Р. Убайдуллаевлардан иборат мутахассислар муаллифлик қилишган.

Эллик минг нусхада босилган «Ўзбек миллий таомлари» деб номланган янги нашр шу мавзуда ҳозиргача чоп этилган китоблардан фарқ қилади. Аввало, китоб босмаси жаҳон андозаларига мос бўлиб, дид билан безатилган, рангли суратлар билан бойитилган. Муаллифлар пазандачилигимиздаги энг кўп тарқалган ва айни пайтда энг тансиқ егулик, пишириқ, тайёр таомларнинг қуюқ-суюқлари ва баъзи тафтбосди ва тўйимли ичимликларнинг тайёрлаш усуллари билан таништиришга ҳаракат қилишган.

Маълумки, палов тўйимли, сервитамин таомлардан саналади. Уни тайёрлаш учун ишлатиладиган масаллиқларнинг сархиллиги ҳақида ривоятлар ҳам тўқилган. Муҳими, бундай таомни тайёрлашда қовуриш, қайнатиш ва димлаш каби мураккаб жараён уйғунлашган. Палов ўйлаб топилгандан бери анча мукаммаллашган. Ҳозир 15 хил палов тайёрлаш усуллари бор.

Китоб муаллифларининг ютуғи шундаки, миллий пазандачилигимиз усулларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида баён этишган. Китобга эса ҳозирданоқ Европа мамлакатларида қизиқиш билан қарамоқдалар. Араб мутахассислари эса бизнинг тилимизда ҳам чоп этилса, деб таклиф қилишмоқда. Хуллас, ҳар бир таомнинг сурати билан босилган китоб инглизлар ошхонасида паловхонтўра тайёрланишига имкон беради, деб айтиш мумкин.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ, Фазилат СОАТОВА.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0363

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ОЛИМПИАДА ОДИМЛАРИ

ДЗЮДО. 24 ёшли динамочи, тошкентлик Армен Багдасаров олимпиаданинг кумуш медалини қўлга киритиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Кумуш совриндор шарафига давлатимиз байроғи ҳилпиради. Владимир Пятаевнинг шогирди бешта ғалабага эришиб, финалда Жанубий Корея спортчисига имкониятни бой берди.

БОКС. Боксчиларимиз курашни давом эттиришга интилмоқдалар. Фақат М. Абдуллаев билан Р. Чагаев биринчи учрашувдаёқ ўйиндан чиқишди. Дилшод Ёрбеков билан Улуғбек Иброҳимов, Наримон Отаев, Карим Тўлагановлар финални кўзлашмоқда.

ОҒИР АТЛЕТИКА. Туркиялик Наим Сулаймон ўғли икки курашда 335 килограммлик натижа билан олимпиада чемпиони бўлди. Вакилимиз Виктор Янский 14-ўрин билан қаноатланди.

СУЗИШ. Спортчимиз Дмитрий Паньков 200 метрга батерфляй усулида сузиб, манзилда 34-бўлди. 4х200 метрга сузишда Олег Пухнатий, Дмитрий Паньков, Александр Агафонов, Сергей Крешколардан иборат вакилларимиз 12-натижа кўрсатишди.

МЕРГАНЛИК. Россиялик Артём Ҳожибеков пневматик милтиқдан нишонга олишда ғалаба қозонди. Шуҳрат Аҳмедов эса 14-бўлди.

ГИМНАСТИКА. Россия спортчилари спорт гимнастикаси бўйича мажбурий дастурни бажаришда муваффақият қозондилар.

СУВ ТЎПИ. Россия—Германия — 10:8, Югославия — Испания — 9:7, Венгрия — Голландия — 9:8.

ВОЛЕЙБОЛ. Аёлларнинг Россия—Канада ва Германия—Перу учрашувида 3:0 ҳисоби қайд этилди.

ФУТБОЛ. Саралаш учрашувлари давом этмоқда. Франция — Испания — 1:1, Австрия — Саудия Арабистони — 2:1, АҚШ — Тунис — 2:0, Аргентина — Португалия — 1:1.

Бугунгача олимпиаданинг олтин медалларини қўлга киритган жамоалар сони 20 тага етай деб қолди. Хусусан Россия, АҚШ, Польша, Хитой спортчилари олдинда боришмоқда.

Atlanta 1996

ГИЁҲЛАР — БУ МЎЪЖИЗА

Арғумоқ остингдадир

Халқимизнинг доривор ўсимликларга бўлган эҳтиёжи эндиликда кундан-кунга ўсиб боряпти. Ўлкамиз ўсимлик дунёси шу даража бойки, унинг ҳар бири одамлар томонидан ўрганиш, тадқиқ қилишни кутиб ётибди. Бир гиёҳшунос сифатида шуни айтишим мумкинки, ҳозир аҳолининг дори-дармонларга бўлган талабининг 50-60 фоизини ана шу доривор ўсимликлар ҳисобига қондириш мумкин. Мен йигирма йилдан бери гиёҳлар билан «тиллашиб» келаман. Турли адабиётлар, Ибн Сино бобомизнинг «Тиб қонунлари»дан фойдаланаман. Ўз тажрибамда узоқ муддат давом этадиган бавосил (геморрой) хасталигини даволадим. Шунингдек, юқумли сариқ касаллигига ҳам айрим гиёҳлар дамламасини истеъмол қилиш яхши натижа беряпти. Ёзда учрайдиган ич бузилиши, ошқозон-ичак хасталиклари, ўпка шамоллашини ҳам шу доривор ўсимликлар билан бартараф қилиш мумкин. Шуни айтиш керакки, бу хасталикларидан фориғ бўлиш учун тайёрланадиган дори таркиби мураккаб, яъни йиғма гиёҳлардан бўлгани боис уни фақат мутахассис назорати остида тайёрланади.

Республикамиз ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликлар ичида шамоллашга қарши ҳозир мавжуд гиёҳлардан юз чандон кучли таъсир этадиганлари бор. Улар ҳар қандай йирингли яллиғланишни ҳам тезда бартараф қилиш билан бирга, муолажа бошлангач ярим соатдан сўнг қаттиқ оғриқни ҳам тўхтатиш таъсирига эга. Исириқ шамоллашдан бўлган деярли ҳамма касалликларни бартараф қилади. Унинг бир сиқимини ярим литр сувда, паст оловда, усти ёпиқ идишда 15-20 минут қайнатилади. Сўнг сузиб олиб, суюқликни 50 граммдан бир кунда икки маҳал ичилади. Компресс қилиш ҳам яхши наф беради.

Ёшларда учрайдиган ўткир бод, бўғин оғриғи учун эса атрофимизда ўсадиган ялпизнинг гуллаган палласида ўрта белидан юқори қисмини ўриб олиб, бир сиқимни қайнаб турган 4-5 литр сувга ботириб қўйиб, 5-6 дақиқадан кейин сувдан силқитиб олиб иссиқлигича оғриган бўғинга фақат икки соатга боғлаб қўйилади. Ёки латта хўллаб компресс қилса ҳам бўлади. Шунингдек, ўткир бодда исириқдан ҳам шу хилда фойдаланиш яхши натижа беради.

Мақсадим ана шундай заҳарсиз, тез шифо таъсирига эга доривор гиёҳларни қўллашдан ҳар бир инсонни хабардор қилишдан иборат.

Абдусаттор НОРМАТОВ, Тошкент вилояти.

Турли касб эгалари

ТОЗА ҚАЛБДА ДОҒ БЎЛМАС

Танидингизми... Кимгадир ўхшатаётгандирсиз балки. Албатта кўрганлар, ишлашганлар, ҳамнафаслар яхши биладилар. Қорақош, ёниқ нигоҳ, дароз қомат, вазминлик... Ҳа, Холқосим ота зурриёдларига хос жиҳатлар. Мулойим тикилиб турган бу йигит акасига яна бир томондан ўхшаш. У ҳам бўлса, оға-иниларнинг саноатчи бўлишганлиги. Отанинг катта фарзанди Жўрабой акани ҳамкасблар ҳурмат билан номини тилга оладилар. У киши узоқ йиллар «Узбекистон овози» газетасининг саноат ва транспорт бўлимини бошқарди. Иниси Эргашбой эса корхонада саноатчилар билан бирга бўлди. Бу йигит жигар-гўшаси руҳи покини шод этиш учун қўлидан келганча саъй-ҳаракат қилиб, савоб кетидан қувмоқда.

«Укам Эргашбой?! Жигарчилик қурсин. Падари бузрукворимизни ҳам охирги йўлга кузатиб, етимлик десам бўлмас... Узига шукр. Буёғи сиз билан бизга боғлиқ. Билишимча, ҳаётда мустақил бўлишчун, бошни, тилни ё қўлни уста қилиш зарур. Албатта, қараб туриш йўқ... Фақат, яшашда тўрт жиҳатга ҳушёр бўлинса, кифоя. Айтайлик, ҳалол, фидойи, сабрли, қунимли, қолаверса, касбга ихлос бўлса бас. Йўлингизни топиб, ҳечам кам бўлмайсиз, укам!»

Ҳам ота, ҳам акага хос бу ўгит Эргашбойнинг дилида бир умрга жо бўлди. Оғасининг сўзлари турмуш чорраҳалари-ю ҳаётнинг қувонч-ранж дамларида дил чироғини мунаввар айлади.

Унда ҳам бағрикенглик, ҳиммат ва саховатпешалик намоён. Жиянлари Рустам билан Муроджон, жойли бўлиб кетган қизларга амаки сифатида эмас, балки ака, ҳатто ота сифатида меҳр кўрсатиб келмоқда. Ўзининг икки ўғли, қизи ва тўрт набираси қатори жиянлар ҳам ота руҳини шод этиш ёки дуосини олиш олтиндан қиммат эканлигини яхши биладилар.

Тошкентнинг Катта Қаъни маҳалласида улғайган йигитнинг болалиги бошқаларникидан кам фарқ қилади. Мактаб, ҳунар билим юрти, тепловоз таъмирлаш заводида слесарь бўлиб ишлаш ҳаётга тийран қарашда, қолаверса, оқ билан қорани танишда ўзига хос босқич бўлди. Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш бутун билганларини назарий жиҳатдан мустаҳкамлашга имкон берди. Жамоада эътибор топиб, «Уста» номига эришди.

Тажриба тўплаган, малакаси етарли бўлган Эргашбой бир соҳада 30 йил меҳнат қилди. Шундан 17 йили саломатликка панд бериши мумкин бўлган цехда ишлашга тўғри келди. Аммо қилинган меҳнат зое кетмади. Униб-ўсди, обрў топди. «Мусобақа илғори» бўлганда, «Узавтотранс» корпорациясининг фахрий ёрлиғи ва қимматли мукофотини олганда оғасининг кам бўлмайсиз ука, деган сўзлари ёдига келади. Истиқлол суруридан баҳраманд, меҳнат довруғини сураётган йигитга омад ёр бўлсин, дегинг келади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ОСИЁ БОЗОРИ

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ОСИЁ БОЗОРИ»

иқтисодий-ахборот, реклама илова газетаси доимо сизнинг хизматингизда!

«Ўзбекистон овози» газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси — «ОСИЁ БОЗОРИ»нинг ҳам бугунга келиб муштарийлари сони ортиб бормоқда. Хорижий фирмалар ҳамда тадбиркорларнинг рўзнома саҳифаларида чоп этилаётган турли эълон ва рекламаларга бўлган қизиқиши эса кучайяпти. Шу муносабат билан газета таҳририяти реклама ва эълонларни инглиз тилида ҳам чоп этишни йўлга қўйди. Яна бир гап: «Осиё бозори»нинг икки нусхасини сотиб олган кишиларнинг хусусий эълонлари бепул чоп этилади. Марҳамат, сиз бу масалада бизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Дарвоқе, отахон газета таҳририятида инглиз тилидаги «Ўзбекистон овози — таймс» иловаси ҳам нашр этиляпти. Сиз бу иловада ҳам реклама ва эълонларингизни чоп этишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 344, 343, 347-хоналар.
Телефонлар: 33-38-55, 33-54-55.
Факс: 33-79-14.

ТАШКИЛОТ

Ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги асбоб-ускуналар ва дастгоҳларни

СОТАДИ:

— Пардозли ва турли қиррали ғиштларни пресслаш дастгоҳлари;
— йўлак плиткаларини пресслаш учун дастгоҳлар;
— ёғ пресслаш машиналари;
— маккажўҳори қаламчалари тайёрлаш учун дастгоҳлар;
— макарон тайёрлайдиган машиналар;
— кичик тегирмонлар;
— шоли тозалаш дастгоҳлари;
— сариёғ тайёрлаш учун қурилмалар.

Тошкентдаги телефонлар: кундузи: 62-13-87, кечқурун: 44-48-20.

ТАШКИЛОТ

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган А-76, А-80 автомобиль бензинлари ва дизель ёнилғиларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулида

СОТАДИ

ҳамда узоқ муддат сақлаб беришни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Нархлар арзон, шартнома асосида.

Улгуржи харидорлар учун нарх тушириб берилади. Ёнилғини ташиш учун автомобиль хизмат кўрсатади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Боткин кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 67-44-60, 68-12-06.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД»

ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

15 кг ва 50 кг ун қопларини ҳамда қуйидаги тегирмон вальцларини пул ўтказиш йўли орқали

СОТАДИ

Бухлер стандартли вальц (1000х250) — 125 000 сўм.
Рус стандартли вальц (1000х250) — 120 000 сўм.
Рус стандартли вальц (800х250) — 110000 сўм.

Бизнинг манзил: Тошкент, Маяковский кўчаси, 6. Телефонлар: 67-23-74, 67-77-41.

«Ўзбекистон овози» газетаси ва «Муштум» журнали жамоалари ушбу нашрларнинг собиқ бош муҳаррири, ёзувчи Мақсуд Қориевга опаси **МУҲТАБАР ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.